

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Жиззах шаҳри

2023 йил 11 июль

Жиззах туманлараро иқтисодий судининг судьяси Н.С.Джураев раислигида, А.Мусаевнинг котиблигида, [REDACTED] нисбатан берган аризаси бўйича иқтисодий ишни аризачи вакили [REDACTED] иштирокида, қарздор вакиллари иштирокисиз, Жиззах туманлараро иқтисодий суди биносида бўлиб ўтган очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни,

### А Н И Қ Л А Д И:

[REDACTED] (бундан буён матнда “Аризачи” деб юритилади) судга ариза билан мурожаат қилиб, аризасида Жиззах вилоятида фаолият юритган [REDACTED] (бундан буён матнда “Қарздор” деб юритилади) кредиторлик қарзини қарздорлик пайдо бўлгандан бошлаб уч ойдан ортиқ вақт давомида бажармасдан келаётганлиги ва тўлов қобилиятини йўқотганлигини баён қилиб, қарздорга нисбатан соддалаштирилган тартибда тўловга қобилиятсиз деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлашни сўраган.

Ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган қарздор суд мажлисига келмади ва вакил(лар)и иштирокини таъминламади.

Бу ҳолда суд, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 127-128, 170-моддасига асосан, ишни унда мавжуд материаллар асосида қарздор вакил(лар)и иштирокисиз кўришни лозим топади.

Суд мажлисида иштирок этган аризачи вакили, аризадаги вазжаларни баён қилиб, аризани қаноатлантиришни сўради.

Суд, ишда иштирок этувчи тарафларнинг тушунтиришларини тинглаб, ишдаги мавжуд ҳужжатлар билан танишиб, қуйидагиларга асосан аризачининг аризасини қаноатлантиришни лозим топади.

Ишдаги ҳужжатлардан ва суд жараёнида аниқланган ҳолатлардан маълум бўлишича, [REDACTED] 2010 йил 26 мартда 3267-сон билан давлат рўйхатидан юридик шахс сифатида рўйхатга олинган. Жамиятнинг таъсис ҳужжатларига кўра, устав жамғармаси 20.000.000 сўм белгиланган бўлиб, шундан 100,0 фоизи Мухторов Худаёорхон Аброровичга тегишли улуш ташкил этади. Жамиятнинг почта манзили: Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Заргарлик маҳалласи, 38-уй 27-хонодон.

Қарздорнинг бюджет ва бюджетдан ташқари мажбурий тўловлардан қарзи жами 127.982.268 сўмни ташкил этган.

[REDACTED] томонидан қарздорликни ундириш бўйича ҳаракатлар олиб борилган. [REDACTED] томонидан Солиқ мажбуриятига эга шахснинг мол-мулки



ҳисобидан солиқ қарзини ундириш бўйича қарорлар қабул қилинган. Мазкур қарорлар ижроси юзасидан Мажбурий ижро бюроси ҳудудий бўлими давлат ижрочисининг “Ижро иши юритишни тамомлаш ва ижро ҳужжатини ундирувчига қайтариш тўғрисида”ги қарорларига асосан ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулклари мавжуд эмаслиги сабабли “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 40-моддаси 3-бандига асосан ундирувчига қайтарилган.

Шунингдек, аризачи томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастрлар агентлиги, Қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарияси ва Жиззах вилояти ИИБ ЙХХБ ларга сўров хатлари юборилган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастрлар агентлигининг Солиқ тўловчининг кўчмас мулк объектлари тўғрисидаги маълумотга асосан жавобгар МЧЖ номида кўчмас мулк объектлари мавжуд эмаслиги маълум қилинган.

Қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийси давлат корхонасининг 2023 йил 9 июндаги 02/10-3160-сонли хатига кўра, жамият номида қимматли қоғозлар мавжуд эмаслиги қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг маълумотига кўра, жавобгар номида қишлоқ хўжалиги машина ва агрегатлари давлат рўйхатига олинмаганлигини маълум қилган.

Ўзбекистон Республикаси “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги қонунининг 5-моддаси биринчи қисмига асосан, агар судга ариза бериш санасидаги ва ариза берилган йилнинг бошидаги ҳисобот даврида, агарда ариза йилнинг биринчи чорагида берилган бўлса, ўтган йилнинг бошидаги ҳисобот даврида қарздорнинг мажбуриятлари унинг активлари қийматидан ошиб кетган бўлса, унда корхонада доимий тўловга қобилиятсизлик аломати мавжудлигини белгилайди.

Ушбу қонуннинг 26-моддасига кўра, тўловга қобилиятсизликнинг соддалаштирилган тартиби қўлланилганда, агар қарздор билан бошқача келишув белгиланган бўлмаса, суд бошқарувчисига ҳақ тўлаш харажатларининг ўрни қарздорга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида ариза берган аризачи томонидан қопланади. Бунда суд бошқарувчисига ҳақ тўлаш учун суднинг депозит ҳисобварағига меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг етти баравари миқдорида олдиндан тўлов амалга оширилади. Суд бошқарувчисига ҳақ ҳар бир якунланган иши учун тўланади.

Ушбу қонуннинг 37-моддасига кўра, тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш ушбу Қонуннинг 5-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган аломатлар мавжуд бўлганда суд томонидан қўзғатилиши мумкин, қарздорга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳамда уни банкрот деб топиш, шунингдек тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат этиш учун қарздорнинг доимий тўловга қобилиятсизлиги асос бўлади. Мазкур Қонуннинг 241-моддасига кўра, ўз фаолиятини тугатган қарздор яқка тартибдаги тадбиркор ёки тугатилаётган юридик шахснинг раҳбари ҳозир



бўлмаган ва уларнинг жойлашган ерини (яшаш жойини) аниқлашнинг имкони бўлмаган тақдирда, ҳозир бўлмаган қарздорни тўловга қобилиятсиз деб топиш тўғрисидаги ариза, кредиторлик қарзи миқдоридан катъи назар, кредитор, ваколатли давлат органи, давлат солиқ хизмати органи ёки бошқа ваколатли орган томонидан берилиши мумкин, ушбу қонуннинг 242-моддасига кўра, суд ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб топиш ҳақидаги аризани ўз иш юритувига қабул қилиб олган кундан эътиборан икки ҳафталик муддат ичида ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Мазкур ҳолатда, суд аризачининг [REDACTED] соддалаштирилган тартибда тўловга қобилиятсиз деб топиш тўғрисидаги аризасини қаноатлантиришни, қарздорни соддалаштирилган тартибда тўловга қобилиятсиз деб топишни ва тугатишга доир иш юритишни бошлашни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан ушбу қарздорни тугатиш бошқарувчиси лавозимига биринчи тоифали суд бошқарувчиси [REDACTED] номзоди кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 августдаги 224-сон Қарорига илова “Сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш Қоидалари”нинг 3-бандига кўра, суд бошқарувчиси, ўзи тайинланган вақтдан бошлаб, мазкур Қоидаларда назарда тутилган сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш бўйича ҳаракатларни амалга ошириши ҳамда чоралар кўриши шарт.

Мазкур Қоидаларнинг 38-бандига кўра, Сохта банкротлик, банкротликни яшириш ёки қасддан банкротликка олиб келиш аломатлари мавжудлиги тўғрисидаги хулоса имзолангандан кейин 10 иш кунидан кечикмай кредиторлар йиғилишига, иқтисодий судга ва прокуратура органларига тақдим этилади. Сохта банкротлик, банкротликни яшириш ёки қасддан банкротликка олиб келиш аломатлари мавжуд эмаслиги тўғрисидаги хулоса имзолангандан кейин 10 иш кунидан кечикмай кредиторлар йиғилишига, иқтисодий судга тақдим этилади.

Бундай ҳолатда, суд аризачи вакилининг тушунтиришларини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, [REDACTED]

[REDACTED] соддалаштирилган тартибда тўловга қобилиятсиз деб топишни, тугатишга доир иш юритишни бошлашни, биринчи тоифали суд бошқарувчиси [REDACTED] тугатиш бошқарувчиси этиб тайинлашни, суд харажатлари масаласини муҳокама қилиб, суд харажатларини қарздорнинг зиммасига юклашни лозим деб топди.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 25, 27, 118, 176-179, 210-моддаларини қўллаб ва Ўзбекистон Республикаси “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги қонуннинг 5, 29, 37, 44, 241, 242-моддаларига асосланиб, суд -

**Қ А Р О Р Қ И Л Д И:**



